

бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлиши назарда тутилмоқда) даромадлар тақсимооти нотекис бўлмоқда. Бу эса, кўп фарзандли оилаларга ижтимоий ҳимоя асосида давлат бюджетидан ёрдам бериш заруратини яна бир марта ўзида ифодалаб беради, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши шаклланишида аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, кичик бизнесда банд бўлиш ва оилада фарзандлар сони каби категориялар сезиларли таъсирга эга бўлмоқда. Тадқиқотлар асосида қайд этиш лозим, мазкур кўрсаткичларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши билан тескари пропорционал эканлиги мазкур кўрсаткичларнинг аҳамияти юқорилигини ифодалайди.

Шу боисдан, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами улуши камайтиришда аҳоли даромадларини ошириш ва меҳнатда банд бўлишига эришиш, шунингдек ижтимоий ҳимоя параметрларини белгилашда оила аъзолари сонини инобатга олиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Жаҳон банки маълумотлари. <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.PCAP.CD>
2. Dalton, H. (1920). *The Measurement of the Inequality of Incomes. The Economic Journal*, 30(119), 348. doi:10.2307/2223525
3. Atkinson, A. B. (1970). *On the measurement of inequality. Journal of Economic Theory*, 2(3), 244–263. doi:10.1016/0022-0531(70)90039-6
4. Aigner, D. J., & Heins, A. J. (1967). *A social welfare view of the measurement of income equality. Review of Income and Wealth*, 13(1), 12–25. doi:10.1111/j.1475-4991.1967.tb00732.x

## **ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Ғофуров Бекзод**

*“Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси” тингловчиси*

Сўнгги йилларда давлат молиявий ресурсларини самарали бошқариш, бюджет маблағидан мақсадли фойдаланиш устидан давлат молиявий назоратини янги босқичга кўтариш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Палатанинг ва Давлат молиявий назорати инспекциясининг ҳуқуқий мақоми ўзгартирилди. Бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш борасида Ҳисоб палатаси фаолиятининг самарадорлиги ҳамда унинг назорат шакллари тубдан ўзгарди. Бугунги кунда палатада 33 та давлат органи ва ташкилотининг 78 турдаги маълумотлар базаларидан реал вақт режимида электрон сўров асосида автоматик фойдаланиш тизими йўлга қўйилган. Бу каби вазифалар ижросини сифатли таъминлаш Ҳисоб палатасининг бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва молиявий камчиликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини

янада такомиллаштириш ҳамда унинг ваколатларини янада кенгайтиришни талаб қилиши табиий.

Сенатнинг қирқ иккинчи ялпи мажлисида атрофлича муҳокама этилиб, маъқулланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун айти шу мақсадга қаратилган.

Маълумки, “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра, давлат харидларига оид қонунчилик устидан назоратни Ҳисоб палатаси амалга оширади. Лекин, аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан баённома тузиш бўйича ваколатли орган сифатида Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат инспекцияси белгиланган. Ҳисоб палатасида эса бу ваколат қонунда мавжуд эмас эди. Ваҳоланки, Ҳисоб палатаси ва Давлат молиявий назорат инспекциясининг биргаликда назорат тадбирларида бюджет ташкилотида мол-мулкни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш ҳолати аниқланмоқда. Хусусан, Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган ўрганишларда 2021 йилда 109 та, 2022 йилда 100 та ҳолатда бюджет ташкилотларида оз миқдорда бюджет маблағи ўзлаштирилгани кузатилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, оз миқдорда талон-торож қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараварига, яъни 10,2 млн сўмга тенг. (2023 йил 1 декабрдан базавий ҳисоблаш миқдори 340 000 сўмни ташкил этади). Шу боис давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ва бу борада масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 245<sup>6</sup> ва 264<sup>1</sup>-моддаларига қўшимча қоидалар киритилди. Унга мувофиқ, бюджет ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг, давлат мақсадли жамғармаларининг ҳамда белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг мол-мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш аниқланган тақдирда Ҳисоб палатаси томонидан маъмурий жарима қўллаш тартиби белгиланган.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонунда ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар ўз аксини топмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Ҳисоб палатасига юридик шахс мақоми берилган. Шундан келиб чиқиб, қонун билан Ҳисоб палатаси зиммасига қонунлар ижроси устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юкланиб, қўшимча равишда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун айбдорларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш ваколатлари берилмоқда.

Шунингдек, ушбу палата Президент фармон, қарорлари ва топшириқлари ижро муддатини узайтириш бўйича Президент Администрациясига хулоса киритиш ҳуқуқига эга бўлди. Янги нормага мувофиқ, палата қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларига қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишга ҳақлидир. Палата фаолиятида шаффофликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларини ўз расмий веб-сайтига жойлаштириши шартлиги кўзда тутилган. Ҳисоб палатаси назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг бартараф этилиши тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича, чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтига жойлаштириши керак. Шунингдек, қонунда Ҳисоб палатаси ҳар чоракда камида бир марта ўз фаолияти тўғрисида жамоатчилик олдида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ҳисобот бериб бориши белгиланди. Қонунда Ҳисоб палатаси раисининг ваколатлари ҳам кенгайтирилиб, раис томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ходимларнинг ишга қабул қилиниши, улар билан тузилган меҳнат шартномаларининг бекор қилиниши, палата таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларнинг ҳамда штат жадвалининг тасдиқланиши назарда тутилган. Шу муносабат билан “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонуннинг айрим қисмлари, яъни 11 ва 12-моддалари қайта таҳрир қилиниб, палата ходимларининг (раҳбарлар бундан мустасно) Президент томонидан тайинланиши ва озод қилиниши бўйича амалдаги тартиб чиқариб ташланди. Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари зиммасига палата раиси йўқлигида унинг ваколатини (ўз ваколатлари доирасида) амалга ошириш ваколати берилди. Қонун билан Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назорат шакллари ва турлари кенгайтирилиб, тафтиш, текшириш ва ўрганишга оид назорат тадбирларининг фарқли томонлари очиб берилиб, уларни амалга ошириш механизмлари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Яъни бунда тафтиш назорат тадбири объект фаолиятини комплекс ўрганиш мақсадида, текшириш назорат тадбири назорат объектининг муайян даврдаги айрим ҳаракатлари ёки фаолиятининг маълум йўналишларини текшириш мақсадида, ўрганиш назорат тадбири эса объектнинг маълум тармоғи ва фаолиятини статистик, молиявий ва бошқа маълумотлар асосида таҳлил қилиш, баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Фақатгина текшириш назорат тадбири камерал ва сайёр ҳолда ўтказилади. Амалдаги қонунга қўшилган нормада акс эттирилганидек, Ҳисоб палатаси фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Ҳисоб палатасида бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилди, ундан фойдаланиш тартиби қонунчиликда белгиланади. Умуман, янги таҳрирдаги қонун Ҳисоб палатаси фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш, унинг бюджет маблағлари устидан таъсирчан назорат ўрнатиш самарадорлигини янада оширишга, бюджет маблағларини талон-торож қилиш, улардан самарасиз фойдаланиш

ҳолатларининг олдини олиш, бу йўналишдаги ушбу жиноятларга қарши курашишга хизмат қилади.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар:***

1. Қ.Турсунов “Ҳисоб палатаси Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини мувофиқлаштиради”. Дўстлик байроғи газетаси 2023 йил 32 сони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғриси”даги Кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА БИРЛАМЧИ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

***Имонқулов Нуриддин***

*Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ходими*

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда бирламчи тиббий хизматлар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Уларнинг давлат бюджетидан молиялаштирилиши давлатнинг ижтимоий вазифаларини бажаришида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мамлакатда бепул тиббий хизматларни таъминлаш доирасида профилактик тадбирларни олиб бориш бирламчи тиббий хизматларни молиялаштириш билан боғлиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли” деб белгиланган. Мазкур қонуннинг белгиланиши ҳар бир фуқаронинг профилактик тиббий хизматлардан фойдаланишида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, фуқаролар саломатлигини таъминлашда бозор тамойилларининг ривожланиши билан молиялаштириш манбалари ҳам тизимлашиб боради. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги 265-И-сон Қонунига кўра давлат томонидан тиббий хизматларни молиялаштириш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

- давлат бюджети маблағлари;
- тиббий суғурта маблағлари;
- фуқароларнинг соғлиғини сақлашга мўлжалланган мақсадли фондларнинг маблағлари;